

# Олган БЕКАР: Савдо-иқтисодий алоқа – ҳамкорлик драйвери



Туркияning мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олган Бекар “Ўзбекистон – Туркия: кенг қамровли стратегик шериклик” мавзусидаги давра сұхбатида сўзга чиқиб, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи мұхым омилларга тұхталиб ўтди.

Дипломат халқларимизни умумий дин, күп асрлық тарих, тил ва маънавий қадриятлар үхашалиги боғлаб турганини алоҳида таъкидлади:

- Қадимдан ўртамизда бой тарих, яқын маънавий-маданий мерос билан узвий боғланған қардошлиқ муносабати шаклланған. Буларнинг бари, шубҳасиз, ҳар томонлама ҳамкорлик ривожланишида ўзига хос тарзда акс этади.

Шу билан бирга Элчи бугунги кунда давлат раҳбарларининг биргаликдаги саъй-харакати, улар ўртасида ўрнатилған ишончли мұлоқот туфайли ўзаро муносабат кенг қамровли стратегик шериклик даражасига күтарилганини қайд этди.

- Туркия Ўзбекистоннинг тұртқынчи йирик савдо ҳамкорига айланди. Құшма корхоналар сони кундан-кун ошиб, етти йил мобайнида олти баробар күпайди, – деди әлчи.

Хуллас, жаноб Бекар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқа ўзаро ҳамкорлик драйвери бўлиб хизмат қилишига ишончи комил эканини урғулади.

**Манба**